

Афтондил Эркинов,
филология фанлари доктори

ҲАЖ ЗИЁРАТИНИ ИМПЕРАТОР БИЛАН УЧРАШУВДАН УСТУН ҚЎЙГАН ҲАКИМХОН ТЎРА

XIX аср бошларида ўзбек хонликлари ўртасида зиддиятли вазиятлар юзага келганига қарамай, маҳаллий ҳукмдорлар имкон қадар хорижий мамлакатлар билан алоқаларни кенгайтиришга ҳаракат қилиб келишган. Хусусан, Россия билан муносабатлар анча жонланган. Ўз навбатида Россия ҳукумати ҳам жанубдаги давлатларга катта қизиқиш билан қарай бошлаганди.

Бунинг бир қатор тарихий манбалар, хусусан 1823 йилда ҳаж сафарига Россия орқали йўлга чиққан Қўқон хонлиги вакили Ҳакимхон тўранинг “Мунтахаб ут-таворих” асарида ҳам кўришимиз мумкин. Муаллиф асарида ўзининг Россия бўйлаб сафарини ҳам батафсил тасвирлаб беради.

Ҳакимхон 1802 йили туғилган бўлиб, унинг онаси Қўқон хони Умархоннинг (1810–1822) синглиси бўлган. Умархон дунёдан ўтганидан сўнг тахтга унинг ўғли Муҳаммадалихон (1822–1842) ўтиради. Ҳакимхон у билан болаликдан бирга ўсган. Аммо 1823 йилдан Ҳакимхон ва унинг оиласига нисбатан вазият кескин ўзгаради – Муҳаммадалихон Ҳакимхоннинг отасини, сўнг ўзини ҳаж сафари баҳонасида Қўқон хонлигидан чиқартириб юборади. Мақсад тахтга даъвогарларни камайтириш эди.

1807 йили туғилган Муҳаммадалихон 1823 йили 16 ёшда бўлган. Шу сабабли унинг қарор чиқаришида атрофидаги сарой аъёнларининг ҳам ўрни катта бўлгани эҳтимолдан холи эмас.

Одатда, ҳаж сафарига инсон ўз мусулмонлик бурчини адо этиш учун чиқади. Аммо ўтмишда бирор кишини рақобатчи санаб, салтанат марказидан нарилатиш, ҳатто ўлдириш учун ҳам ҳаж сафарига юбориш мавжуд эди. Сабаби, ўз шахридан узоқ сафарга чиққан инсон йўлининг қаерида эканлигини ҳамда унинг қачон ортга қайтиб келишини аниқ билишмаган. Ҳакимхоннинг бу жиҳатдан омади бор эди. Муҳаммадалихон уни ҳаж сафарига жўнатса-да, ортидан назорат қилмаган. Уни ўзи ўтирган Қўқон тахтига даъво қилмаслиги учун рақобатчи санаб, хонлик ҳудудидан нарилатиш йўлини қидирган.

Ҳакимхон ҳаж сафарига Россия орқали кетади. Тошкент, Туркистон ва Шамай тарафдан Россияга ўтади. Туркия, Сурия, Фаластин, Миср орқали Макка ва Мадина шаҳарларида бўлади. Қўқон хонлари хонадонидан бўлгани учун уни Россия империясининг расмий вакиллари кутиб оладилар ва мулоқотда бўладилар. Россия империясига 1801–1825 йиллари ҳукмронлик қилган подшо Александр I салтанати ҳудудига Ҳакимхон кирганлигини

эшитиб, хат орқали уни Санкт-Петербургга, саройига таклиф қилади. Аммо Ҳакимхон Санкт-Петербургга, подшо саройига бормаиди. Россия ҳудуди орқали Макка ва Мадина томонга қараб ҳаракатланаверади.

Бунгача Ҳакимхоннинг Россия тасарруфидаги ерларга келганлиги ҳақидаги хабар рус подшосига Ғарбий Сибирь губернатори орқали ҳам етиб борган эди. Буни эшитган Александр I Ҳакимхонни Петербургга олиб келишни буюради. Бу ҳақда губернатор Ҳакимхонга шундай деганди:

– Подшоҳимиздан бизга хат келди. Унда агар Ҳакимхон бизни ва бу томон вилоятларини кўришни истаса, жуда иззат-икром билан бу тарафга юбор, деб ёзилган. Агар маъкул кўрсангиз, подшоҳ Сиз ҳаққингизда кўп меҳрибонликлар адо этиш учун тайёрдирлар!

Аммо сайёҳнинг режасида бундай учрашув кўзда тутилмаган эди. Аниқроғи, афтидан бундай учрашувнинг мақсадини яхши англаган Ҳакимхон ўзини билмаганга солиб, рад жавобини беради.


Россия империяси ҳудудида яшовчиларнинг ҳаж сафарига боришига рухсат берувчи фармон Александр I томонидан 1803 йили 23 март ойида имзоланган. Унга кўра Маккага ҳаж сафарига кетаётган шахслар паспорт олишлари керак эди. Шу боис Ҳакимхон учун паспорт масаласи муҳим бўлган.

Шунда губернатор бошқача йўл тутди – у Ҳакимхонга паспортини бермасдан Омск

шаҳрига жўнатади. Ҳакимхон паспортини олиш учун кўп овора бўлади ва губернаторнинг хотини орқали паспортини яна қўлга киритади.

Паспортини олгач, у Омскни тезроқ тарк этишга ҳаракат қилиб, Ирбит томон йўл олади. Бу пайтга келиб у иқтисодий жихатдан анча қийналиб қолган эди, шунинг учун у савдо-сотиқ билан шуғулланишга мажбур бўлади. Бундан ташқари унга бир савдогар Ирбит бозорида беш юз тилла қарз бермоқчи эди ва «шунинг учун мен хоҳласам-хоҳламасам ҳам Ирбит томон саёҳат қилишга мажбур эдим», – деб ёзади Ҳакимхон.

Ҳакимхон Оренбургда бир неча кун тўхтайди. Бу вақтда шаҳар губернатори П.К. Эссен (1817–1830) бўлган. Ҳакимхон ўз асарида уни «губернатор» деб атаиди, холос. У Ҳакимхоннинг шаҳарга келганини эшитиб, уни ўз саройига таклиф этади. Сайёҳ губернатор одамларига дастлаб «ватанидан жудо бўлган, айём шапалоғини еган, фалакнинг кўплаб азобларини чеккан, юлдузи куйган ва толеи вайрон, неча бор укубатларга дуч келган, толе ёр бўлмаган бахти сабаб хору зорликда қолган, неча бир ўлимлардан омон чиқиб, саёҳат ихтиёр этганча бу диёрга етишган одамман. Шу ҳолимда менинг ҳокимлар билан ўтириб-туришга не ҳаддим сиғсин, ахир», дея жавоб беради ва губернатор билан учрашмасликка астойдил интилади. Губернатор бу таклифдан олдин ҳам ўзининг яқин кишилари орқали уни



учрашишга ундаган эди. Лекин Ҳақимхон бунга ҳам рози бўлмаганди. Икки таклифининг жавобсиз қолгани учунми, П. К. Эссен унинг паспортини олиб қўйишни буюради. Ҳақимхон паспортига белги қўйдиришга борганида бир амалдор уни олиб қўйиб губернаторга топширади. Шундай қилиб, истар-истамас эртаси кuni Ҳақимхон ноилоҳ эзилган қўйи губернатор қасри сари юзланади.

Губернатор Ҳақимхонга ҳурмат билан муомала қилиб, шундай дейди:

– Сизнинг ўз юртингиздан чиққан кундан бошлаб бошингиздан кечирган воқеалардан хабардоримиз. Менинг муддаоим шуки, Сиз жаноблари Петербург шаҳрига бориб, подшоҳимиз билан учрашсангиз, чунки подшоҳимиз Сиз билан мулоқотни орзиқиб кутмоқдалар. Аммо, бизнинг қоидамизда бирор кишини зўрлик билан подшоҳ ҳузурига юбориш деган гап йўқ. Бизнинг қонунларимиз, одоб ва расм-русумимиз сизларники каби. Йўқса, то шу кунгача Сиз жанобларини аллақачон подшоҳ олдига жўнатган бўлардик.

Ҳақимхон унинг сўзларига шундай жавоб беради:

– Ҳа, албатта, юртингизнинг қонунлари мақбуллигидан камина мана бир неча вақтдан бери бу ерларда бемалол яшаб юрибман. Агар вилоятингиз бизнинг Мовароуннаҳр сингари бўлганда эди, бир кун муқим туриш ҳам амри маҳол бўларди.

Фикр қилиш мумкинки, Ҳақимхоннинг губернатор билан учрашувга рози бўлмаганининг сабаби унинг Петербург сафари ҳақидаги ёқимсиз суҳбатини эшитмаслик бўлса эҳтимол. Ҳақимхоннинг Оренбургга келиши айна кунларда Сибирь бўйлаб саёҳатга чиққан Александр I нинг бу шаҳарга ташрифига тўғри келган. Бу ерда Александр I ни кутиб олишга катта тайёргарлик кўрилади. Ҳақимхоннинг ёзишича, бу дабдабаларга ўн икки минг тилла сарфланади.

Подшонинг буйруғига мувофиқ, Ҳақимхонни ярим кечада ётоғидан турғазиб унинг ҳузурига олиб келадилар. Сайёҳ Александр I да яхши таассурот қолдиради: “Хона эшигидан кирганим заҳоти подшоҳнинг назари

менга тушди ва дарров ўрнидан туриб, бир неча қадам мен томон олдинга босди. Ёнимга келиб, қўлимдан тутганча етаклаб бориб, ўз ёнидан жой берди. Уларнинг қоидасича бирор киши келса ўрнидан туриб кутиб оладилар, айниқса, улугзода бўлса, яна ҳам ана шундай эҳтиром билан иззат кўрсатадилар. Подшоҳ ўрус тилида яхши тилакларни изҳор этганча сўзлашга киришди. Камина ҳам ўрисча тилда тўлақонли жавоблар бердим. Бу вақтга келиб ўрис тилини ҳам яхшигина ўрганиб олгандим, буни кўрган подшоҳ менинг тил билиш қобилиятимдан жуда хурсанд бўлди. Подшоҳ олдида тўрт вазир ўтирганди. Тўққизта хушқомат маҳрам жавахирга ғарқ бўлиб, қадларини ғоз тутганча тик туришарди”.

Ҳақимхон ва Александр ўртасида қизиқарли мулоқот бўлиб ўтади. Ҳақимхон шарқ сўзлашув тартибига хос тарзда суҳбати ўртасида шеърӣ мисоллар келтириб, улар мазмунини рус тилига таржима қилиб боради.

“Мен билан подшоҳ ўртамиздаги суҳбат жуда ҳам қизиқ, авжига минганидан ўша кечаси бошқа ҳеч кимсани ҳузурига таклиф қилмади. Мен билан ҳар тўғрида сўзлашди. Айниқса, Мовароуннаҳр аҳволи борасида кўп сўраб-суриштирди”, – деб ёзади Ҳақимхон тўра.

Александр I нинг Мовароуннаҳр ҳақида суриштируви ортида қизиқишдан ташқари сиёсий мақсадлар – Россиянинг юртимизни ўз мустамлакаси таркибига ўтказиш нияти ҳам турган бўлиши мумкин. Узоқ йиллар мобайнида Қўқон хонлиги тарихи билан шуғулланган тарих фанлари доктори, проф. Шодмон Воҳидов фикрича, Александр I нинг Ҳақимхон билан қизиқиши, аслида, Қўқон хонлиги билан қизиқиш, яъни сиёсий мақсадда бўлган. Ҳақимхон буни сезиб, император билан учрашувдан ўзини олиб қочган. Чунки Россия империясини кенгайтириб, шарқ томон юриш қилиб борар экан, “рус аскарӣ этигини Ҳинд океани сувида ювиши керак”, деган ғояни илгари сурган. Бу ибора ортида Россиянинг ўз империясини Ҳинд океанигача кенгайтиришга бўлган интилиш нияти яширинган. Қўқон хонлиги, Ўрта Осиё замини мана шу йўлдаги ҳудудлардан эди.

Саҳарга яқин каминага кетиш учун ижозат берди. Яна ўша маҳрамлар мени ётоғимга олиб келиб қўйиб, ўзлари қаср сари қайтиб кетишди, дейди муаллиф. Эртаси куни подшоҳ шаҳарни сайр қилиш ниятида дабдаба билан ташқари чиқади ва ўзи билан Ҳакимхонни олиб юради. Улар кечга томон биргаликда зиёфатга борадилар. Зиёфатдан кейин подшоҳ ва Ҳакимхон ўртасида қуйидагича мулоқот бўлиб ўтади:

– Муҳаммад Ҳакимхон, биз билан бирга пойтахт Петербург шаҳрига боришингиз керак. Ихтиёрингизни бажо келтираман, дейди унга жавобан Ҳакимхон. Шунда подшоҳ ундан таклиф этганида нега ҳузурига бормаганлигини сўрайди.

Шунда Ҳакимхон қуйидаги жавобни беради: – Мен Муҳаммадалихон қамоғида эканлигимда, агар шу ҳибсхонадан эсон-омон кутулсам, то байтуллоҳ зиёратига бормагунимча, ҳеч бир ерга боришни орзу қилмайман, дея аҳд қилганман. Шунинг учун ҳозирча бошқа бирор жойга бора олмайман.

Шунда подшоҳ унга сизларнинг қиблангиз жуда узоқ ва йўллари ҳам хатарли, дейди. Ҳакимхон шеър билан ўз фикрини билдиради: ичган қасамимга содиқман, агар ҳар бир сочим толаси бошимга тиг бўлиб санчилса ҳам бу йўлдан қайтмайман, агар ҳар бир кипригим кўзимга қилич бўлиб санчилса ҳам бошқа ишни мақсадим (ҳаждан) устун қўймайман. Кимки ганжга эга бўлмоқчи эса, ранж ҳам тортиши лозим!

Подшоҳ бу сўзни эшитгач, ихтиёрингиз, аммо, қайтишда албатта олдимизга келинг, иззат-ҳурмат билан кутиб олиб, вақтингизнинг яхши ўтишига ҳаракат қиламиз, дейди. Ҳакимхон император таклифини мамнуният билан қабул қилади. Подшоҳ унга битта тамакидон ва олмос узугини ҳамда уч юз олтин танга инъом қилди. Шу мазмунда хат беради: «Ушбу Муҳаммадҳакимхон Русиянинг қайси жойига борса иззат-ҳурмати жойига қўйилсин».

Бу воқеа 1240/1824-25 йили рўй берганди. Подшоҳ эртаси куни пойтахт Санкт-Петербургга қайтиб кетади. Сўнг Ҳакимхон кўп кийинчиликларни бошидан кечириб, Макка

ва Мадинага етиб боради. Шундай қилиб, Ҳакимхоннинг 1823 йили бошланган ҳаж сафари 1828 йили якун топади. У шу вақт мобайнида Россия, Туркия, Сурия, Фаластин, Миср, Арабистон, Эрон, Афғонистон мамлакатларида бўлади. Аммо қайтишида Россия орқали эмас, Сурия, Ироқ ва Эрон (Ҳамадон, Рашт, Техрон, Машҳад, Сарахс) ва Афғонистон (Маймана, Андхўй) ҳамда Бухоро орқали Китобга кириб келади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Ҳакимхон подшо Александр I олдига борса, балки бу ҳукмдор Қўқон хонлиги билан боғлиқ Россия сиёсий мақсадлари учун Ҳакимхондан фойдаланишни истаганмиди?! Шу боис Ҳакимхон император Александр I олдига бормаган бўлиши мумкин. Яна бир муҳим жиҳат мавжуд. Ҳакимхондан император Александр I Санкт-Петербургга уни шахсан ўзи таклиф қилган бўлса ҳам бормаганлиги учун сўроқлайди. Шунда Ҳакимхон ҳадиксирамай, ҳаж сафари ўзи учун муҳимлигини ва фақат ҳажни амалга оширганидан кейингина Санкт-Петербургга бора олишини айтади. Александр I ҳам бунга эътироз билдирмайди. Мусулмон бир инсоннинг дини ва эътиқоди билан боғлиқ жиҳатга, исломий амалга табиий қарайди ва Ҳакимхонни ҳаж сафарида йўлини эркин давом эттириши учун ҳужжат тайёрлаб беради.

Шундай қилиб, Ҳакимхон яна бошқа қийинчиликларни бошдан кечириб, ҳаж сафарини амалга оширади. У 1823–1828 йиллар мобайнида Россия, Туркия, Сурия, Миср, Арабистон, Эрон, Афғонистон мамлакатларида бўлади. Унинг қадами етган юртлар, шаҳарлар рўйхатида Қўқон, Тошкент, Туркистон, Шамай (Семипалатинск), Омск, Ирбит, Царицин, Оренбург (1240/1824-25 йил), Астрахань, Мозандарон, Кавказорти, Синоп, Қайсария, Латакия, Дамашқ, Ғазо, Қоҳира, Сувайш, Янбо, Жидда, Макка ва Мадина, Қусайр, Арабистон чўли, Қоҳира, Ғазо, Қуддус, Ҳаврон, Наблус, Дамашқ, Бағдод, Ҳамадон, Рашт, Нишопур, Машҳад, Маймана, Андхўй, Бухоро (1828 йил), Самарқанд, Ўратепа, Шаҳрисабз, Китоб ва бошқа жойларни кўриш мумкин.